

Ислом маданияти музейида «Қозон Қуръон» кўрғазмаси бўлиб ўтмоқда



11:31 / 11.12.2023 850

Ислом маданияти музейида жойлашган «Қозон Қуръон» кўрғазмаси 2024 йил 29 февралига қадар узайтирилди. Бу ҳақда «Қозон Кремл» музей қўриқхонаси матбуот хизмати хабар берди.

Кўрғазмада Қозон федерал университети илмий кутубхонаси фондидан ноёб буюмлар тақдим этилган. Булар 18 асрдаги Қуръони Каримнинг татар қўлёзмалари, 1803 йилдаги Қуръони Каримнинг биринчи босма нашрлари, Қозон Қуръонлари ҳодисасини ўрганган татар диний арбобларининг қўлёзма ва китобларидир. Мазкур китобларнинг муаллифлари татар етук уламолари Шиғабутдин Маржоний, Ризаутдин Фахретдин, Муса Бигиевлар саналади.